Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 30 (5891). ● 11 февраль, 1977 йил ⊙ ЖУМА ● Баҳоси 2 тийин

БУГУН ТОШКЕНТДА РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИ ҚУРУЛТОЙИ ОЧИЛАДИ

ҚУРУЛТОЙ ҚАТНАШЧИЛАРИГА АЛАНГАЛИ САЛОМ!



Суратда: Областимиз қишлоқ хўжалик илғорларидан бир группаси. Улар ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили режалари ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

ОБЛАСТЬ ИЛҒОР ҚУРУВЧИЛАРИ ЯНГИ МАЖБУРИЯТЛАР ОЛМОҚДАЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика қурилиш ишлаб чиқариш ўн беш илғор ишчисининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

Область бинокорлари КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қароридан руҳланиб самарадорликни ва иш сифатини оширишнинг янги йўлларини белгиламоқдалар, умумхалқ байрамини шонли меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш учун зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Қурилиш ишлаб чиқаришининг ўнлаб бригадалари, юзлаб илғорлари КПСС XXV съезди қарорларига, Коммунистик партиянинг совет кишилари фаровонлигини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлигига жавобан фидокорона ишламоқдалар, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатмоқдалар, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришмоқдалар.

Ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун мусобақалашаётган «Ўзбекшахтострой» трести комплекс бригадаси бошлиғи Антон Степанович ЗБОРИВЕЦ, Чирчиқдаги 160-қурилиш трестининг суворқилар бригадаси бошлиғи Любовь Степановна ИЗМАЙЛОВА, «Главташкентстрой»га қарашли «Строймеханизация» трестининг бульдозер машинисти Алексей Емельянович ШЕВЕЛЬ, «Главташкентстрой»га қарашли пардозлаш трести қадамачилар бригадаси бошлиғи, Сотиболди МИРҲОЛДОРОВ, 23-қурилиш трести комплекс бригадаси бошлиғи Ҳаёт Собирович САИДАЗИМОВ, «Главташкентстрой»га қарашли 159-трест бўёқчилар бригадаси бошлиғи Тожихон НИЗОМОВ, «Ташоблсельстрой» трести арматурачилар бригадаси бошлиғи Ринат Хазиевич ГАЛИАҲМЕТОВ, «Ўзэлектромонтаж» трести электромонтажчилар бригадаси бошлиғи Ваниль Муллагалеевич ЮСУПОВ, «Ўзстроймеханизация» трести экскаваторчилар бригадири Константин Павлович МИШАНИН, «Ташобқолхозстрой» трести комплекс бригада бошлиғи Бурҳон МЎМИНОВлар республикамиз қурилиш ишлаб чиқаришини ўн беш илғор бинокорининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача уч ярим-тўрт йиллик планни бажариш юзасидан бошлаган ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Улар зиммаларига олган юксак мажбуриятларини бажариш учун барча имкониятга эгалар. Бунинг учун резервларни тинимсиз қидириб топиш ва ишга солиш, илғор тажрибадан кенг фойдаланиш, фидокорона меҳнат қилиш режаларини тузишяпти.

Ўзбекистон Компартияси область комитети республика қурилиш ва монтаж ташкилотлари ўн беш илғор ишчисининг ташаббусига қўшилиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигигача уч ярим-тўрт йиллик планни бажариш мажбуриятини олган А. С. Зборивец, Л. С. Измайлова, А. Е. Шевель, С. Мирҳолдоров, Х. С. Саидазимов, Т. Низомов, Р. Х. Галиаҳмедов, В. М. Юсупов, К. П. Мишанин, Б. Мўминов ўртоқларнинг ташаббусини маъқуллади.

Шаҳар ва район партия комитетлари, касаба союзлари область Совети, Ўзбекистон ЛКСМ область комитети, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда хўжалик раҳбарлари зиммасига бу қимматли ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва барча бинокорлар ҳамда монтажчилар коллективларида кенг ёйиш вазифасини юкладн.

Область, шаҳар ва район газеталари редакциялари, область радиоэшиттириш ва телевидение бош редакцияларига бу ташаббускорларнинг иш тажрибасини ва меҳнат коллективларида Улуғ Октябрь юбилейигача уч ярим-тўрт йиллик планни бажариш учун социалистик мусобақанинг боришини мунтазам ёритиб туриш топширилди.



Антон Степанович ЗБОРИВЕЦ, «Ўзбекшахтострой» трести 95-ПМК комплекс бригадаси бошлиғи

— Хўжалик ҳисоби асосида ишловчи комплекс бригадамиз саноат объектлари қуришда Злобин усули асосида ишлаб, тўққизинчи беш йиллик планини уч ярим йилда бажарди. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида эса 998 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдик. Бу икки йиллик планга тенгдир.

Ангрен сут заводини муддатидан илгари — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача фойдаланишга топшириш юзасидан комплекс социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши йўлидаги курашга қўшилиб ва республикамиздаги ўн беш бинокорлик бригадасининг, ташаббусини қўллаб-қувватлаб, зиммамизга юксак мажбурият олдик. Улуғ Октябрь юбилейигача ўнинчи беш йиллик бошидан бери уч ярим йиллик планни бажарамиз.



Любовь Степановна ИЗМАЙЛОВА, 160-қурилиш трести «Чирчиқжилстрой» бошқармаси суворқилар звеноси бошлиғи

— Ҳозирги вақтда звеномиз 1978 йилнинг май ойи ҳисобига ишлаяпти. Беш йилликнинг дастлабки икки йиллик ишлаб чиқариш топшириғини ўтган йилнинг 25 ноябрида бажардик.

Мен ва менинг касбдош дугоналарим Нина Скируха, Валентина Коновалова ва Валентина Хистева ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, илғор бинокорлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача беш йиллигининг тўрт йиллик планини бажаришга қарор қилдик.

Биз ўз маҳоратимизни такомиллаштириш ҳисобига юксак меҳнат унумдорлигига эришамиз.

Шунингдек 1000 сўмлик бинокорлик материалларини тежаб қоламиз, тўрт ёш ишчига илғор иш усулларини ўргатамиз.



Алексей Емельянович ШЕВЕЛЬ, «Главташкентстрой» «Строймеханизация» трести 1-механизация бошқармасининг бульдозер машинисти

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикамиз илғор бинокорлик ва монтаж бригадаларининг ташаббуси тўғрисидаги қарорини барча бинокорларимиз тўла маъқуллаб кутиб олдилар. Мен ҳам шу ташаббусга қўшилиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача уч ярим йиллик планни бажаришга қарор қилдим. Иш вақтидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш ҳисобига ўнинчи беш йиллик планини икки йилу ўн ойда бажараман.

Ихтиёримдаги техникага авайлаб муносабатда бўлиш туфайли капитал ремонтсиз 500 машина-смена ишлайман. Шу йилнинг 7 ноябригача икки ёш ишчига, беш йиллик охиригача эса яна тўрт шогирдимга бульдозер машинисти касбини ўргатиш мажбуриятини оламан.




Сотиболди МИРҲОЛДОРОВ, «Главташкентстрой»нинг пардозлаш трести 28-қурилиш бошқармасининг қадама бригадаси бошлиғи

— Ҳозирги вақтда коллективимиз 1978 йилнинг апрель ойи ҳисобига ишлаяпти. Бригадамиз аъзолари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўнинчи беш йилликда тўққизинчи беш йилликдаги каби икки беш йиллик топшириғини бажаришга қарор қилди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача эса беш йилликнинг тўрт йиллик план топшириғини адо этамиз.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг юксак даражадалиги, пардозлаш ишларини тезкорлик усули билан олиб бориш бригадамиз муваффақиятларининг омиллари бўлмоқда.

Биз трестимизга қарашли 29-қурилиш бошқармасининг А. Л. Запольская раҳбарлигидаги қадама бригадасини мусобақага чақирамиз.



Ҳаёт Собирович САИДАЗИМОВ, 23-қурилиш трести хўжалик ҳисоби асосида ишловчи комплекс бригада бошлиғи

— Республикамиз ўн беш илғор бинокорлик бригадаларининг ватанпарварлик ташаббуси трестимиз коллективи томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Бригадамиз аъзолари 1977 йилнинг 7 ноябригача уч ярим йиллик планни бажаришга аҳд қилдилар. Барча объектларни «яхши» ва «аълодан кам бўлмаган баҳолар билан фойдаланишга топширамиз. Қурилиш ишлари таннархини сметадагига нисбатан 30 минг сўмлик арзонлаштиришга эришамиз. 48 квартирали уйни қуришни муддатидан илгари тугатамиз

Иш вақтини тежаш ҳисобига Оржоникидзе районидаги «Химик» совхозида 1 миллион бошга мўлжалланган ўрдакхона қурилишини икки ой илгари бошлаб юборамиз. Ўнинчи беш йиллик планини 1978 йилнинг ноябрь ойида бажарамиз.



Тожихон НИЗОМОВ, «Главташкентстрой» 159-трести 53-қурилиш бошқармаси пардозловчи коммунистик меҳнат комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи

— Ҳозирги вақтда бригадамиз Марказ-27 кварталида кинотеатр биносини пардозлашда ишлаяпти. Планга мувофиқ бу объектни март ойида фойдаланишга топширишимиз керак, лекин биз бу ердаги барча ишларни 20 февралгача тугатамиз. Ҳар бир объектда унумли ишлаш ҳисобига вақтни тежаб қоламиз.

Кичик механизация воситалари — комплекс бўяш қурилмалари, механик усулда шпаклевка қилиш ишимизга ёрдам беради.

Улуғ Октябрь юбилейи шарафига Марказ-26 кварталида 48 квартирали уй-жойни ва Тошкент театр-рассомчилик институтининг ўқув корпусини муддатидан илгари фойдаланишга топширамиз.

«САЛЮТ–5»: ПАРВОЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 10 февраль. (ТАСС). Космонавтлар В. В. Горбатко ва Ю. Н. Глазковлар «Салют-5» станциясини ишга тушириш, унинг борт системаларини ва илмий аппаратларини текшириш операциясини ўтказмоқдалар. Космонавтлар экспериментлар ўтказиш учун зарур бўлган материалларни транспорт кемасидан кўчириб олиб, станцияга жойлаштирмоқдалар. Кейинчалик Ердаги лабораторияда биохимик анализ қилиш мақсадида бугун эрталаб шкала экипаж аъзоси қонидан намуна олиниб, консервация қилиб қўйилди.

Кунининг иккинчи ярмида жисмоний машқлар ўтказилади ва медицина тадқиқотлари давом эттирилади. Горбатко билан Глазков ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. Орбитал станция ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Микро иқлим параметрлари қуйидагича: ҳарорат-Цельсий ҳисоби билан 21 градус, босим—симоб устунининг 785 миллиметрига тенг.

«Салют-5» станцияси учишни давом эттирмоқда.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори текстини ўзбек тилида китобча қилиб чиқарди.

Китобча оммавий тиражда нашр этилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

РЕСПУБЛИКАДАГИ КОМСОМОЛ-ЁШЛАР БРИГАДАЛАРИНИНГ ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН 100 ЦЕНТНЕР ВА УНДАН ҲАМ КЎПРОҚ МАККАЖЎХОРИ ДОНИ ОЛИШ УЧУН МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИШ СОҲАСИДАГИ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА


«Сельская жизнь» газетаси 1977 йил 10 февраль сонида ўн икки бригадирнинг Ўзбекистондаги комсомол-ёшлар бригадалари номидан «Ёшлар бир миллион тонна маккажўхори дони етиштирадилар» деб ёзган мактубини эълон қилди. Улар ҳар гектар ердан 100 центнер ва ундан ҳам кўпроқ дон ҳосили олиш учун маккажўхорикорларнинг социалистик мусобақасини авж олдиришга даъват этдилар. Ўзбекистон комсомоли КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги ходимларига мактубига жавобан Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган йилда камида бир миллион тонна маккажўхори дони етиштириш ва йиғиб-териб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1977 йилда дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан юксак мажбуриятлар олган комсомол-ёшлар бригадалари ташаббусини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига бу қимматли ташаббусни республиканинг барча колхоз ва совхозларида ёйиш, ҳар гектар ердан 100 центнер ва ундан ҳам знёд маккажўхори дони етиштириш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборишни вазифаси топширилди.

Ҳар бир хўжаликнинг дон етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш резерв ва имкониятларни ўрганиб чиқилиб, бу йил камида бир миллион тонна маккажўхори дони етиштиришни таъминлаш учун барча бригадаларда маккажўхори ҳосилдорлигини оширишга қаратилган ташкилотчилик ва сиёсий ишлар олиб борилиши лозим.

Республика газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига маккажўхорикорлик бригадалари социалистик мусобақасининг боришини кенг ёритиш топширилди.

(Комсомол-ёшлар бригадалари бошлиқлари мактуби газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).



Ринат Хазиевич ГАЛИАҲМЕТОВ, «Ташоблсельстрой» трести бинокорлик материаллари комбинати арматурачилар бригадаси бошлиғи

— Жонажон партиямизнинг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини зарбдор меҳнат билан кутиб олиш тўғрисидаги чақириғига жавобан ва республикамиз ўн беш илғор бинокорининг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаган бригадамиз коллективи илгари зиммага олинган мажбуриятини қайта кўриб чиқди ва 1977 йилнинг 7 ноябригача уч ярим йиллик план топшириғини, икки беш йиллик планини эса 1980 йилнинг сентябрида бажаришга қарор қилди. 1980 йил охиригача қўшимча 36 минг сўмлик маҳсулот берамиз.

Арматурани тўғри бичиш ҳисобига Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача 4 тонна, беш йиллик охиригача эса 9 тонна металлни тежаб қоламиз.



Ваниль Муллагалеевич ЮСУПОВ, «Ўзэлектромонтаж» трести Тошкент область монтаж бошқармаси электромонтажчилар бригадаси бошлиғи

—Бизнинг коммунистик меҳнат бригадамиз коллективи тўққизинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари — 1974 йилнинг март ойида бажарди. Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикамиздаги ўн беш илғор бинокорлик ва монтажчи бригадаларининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошлаган ташаббуси тўғрисидаги қарорини кўтаринки руҳ билан кутиб олдик.

Бригадамиз йиғилишида зиммамизга оширилган мажбуриятлар қабул қилдик. 1977 йилнинг 7 ноябригача уч йилу саккиз ойлик топшириқни бажарамиз.



Константин Павлович МИШАНИН, «Ўзстроймеханизация» трестининг Олмалиқдаги 2-иҳтисослашган механизация бошқармаси экскаваторчилар бригадаси бошлиғи

— Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки икки йиллик планини 1976 йилнинг 19 декабрида бажардик. Партиямизнинг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш тўғрисидаги чақириғига жавобан бу буюк санагача уч ярим йиллик топшириқни бажариш, ўнинчи беш йиллик планини эса 1978 йилнинг 24 июнигача адо этиш мажбуриятини олдик.

Экскаваторда капитал ремонтсиз нормадаги 9600 ўрнига 12 минг 800 машина-соат ишлашга эришамиз.



Бурҳон МЎМИНОВ, «Ташобқолхозстрой» трести Қуйи Чирчиқ колхозлараро қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи

— Бригадамиз аъзоларининг йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини зўр қизиқиш билан муҳокама қилдик. Бу қарорга жавобан биз ҳам республикамиздаги ўн беш илғор бинокорларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашга аҳд қилдик. 1977 йилнинг 7 ноябригача ўнинчи беш йилликнинг уч ярим йиллик план топшириғини бажариш мажбуриятини олдик.

Қурилиш-монтаж ишларининг сифатига катта эътибор берамиз. Барча бинокорлик ишлари «яхши» ва «аъло»дан кам бўлмаган баҳолар билан бажарилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЁШЛАР БИР МИЛЛИОН ТОННА МАККАЖЎХОРИ ДОНИ ЕТИШТИРАДИЛАР



БЕКОБОД районидаги Ойбек номли совхоз механизаторлари барча техника воситаларини муддатидан илгари сифатли ремонтдан чиқариб, янги мавсумга шай қилиб қўйдилар. Суратда: хўжаликнинг моҳир механизатори Абдуқаюм Ғафуров ўз агрегати билан.

Т. Маҳкамов фотоси.

«КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲИСОБЛАЙДИКИ, ПАРТИЯ, ҚАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ, СОВЕТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИ ДАЛА ВА ФЕРМАЛАРДА ЮКСАК УЮШҚОҚЛИКНИ, АНИҚ ИШ МАРОМИНИ ТАЪМИНЛАШ, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ УЗИЛИШГА, БЕКОР ТУРИШГА, «БУШ» КУН БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК УЧУН ҲАММА ЧОРАЛАРНИ КЎРИШЛАРИ ЛОЗИМ. ҲАР БИР МЕҲНАТ СОАТИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ИШИГА КОНКРЕТ ҲИССА ҚЎШИЛИШИ КЕРАК. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ХЎЖАЛИК ПЛАНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ҲАР ТОМОНЛАМА ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА СИЁСИЙ ИШ ОЛИБ БОРИЛИШИ, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧАСТКАЛАРИ АЛОҲИДА КОНТРОЛЬ ОСТИГА ОЛИНИШИ ЛОЗИМ».

(КПСС Марказий Комитетининг Мактубидан).

МАККАЖЎХОРИ ДОНИ ЕТИШТИРАДИЛАР

МАМЛАКАТ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИНИНГ МУСОБАҚАСИ КЕНГАЙМОҚДА

КПСС Марказий Комитетининг мактубида дон етиштиришни янада ривожлантириш тўғрисида гамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўйиш зарур деб таъкидланади. Ялпи ҳосилда маккажўхори бошқа экинлар билан бирга аълоҳида ўрин тутиши лозим. Кўпгина хўжаликларнинг коллективлари буни яхши тушуниб, қимматли экин майдонларини кенгайтирмоқдалар, мўл ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

«Сельская жизнь» илғор хабар қилганидек, Ростов областининг деҳқонлари бу йил 1 миллион тонна маккажўхори дони етиштиришни мўлжаллаб турибдилар. Маккажўхори дони етиштириш Кубанда, Кабарда-Балкарияда ҳам ошади. Дондағи Р. Ф. Горажеева бошлиқ звеносининг намунаси асосида мамлакатда суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 100 центнердан, лалмикор ерларнинг ҳар гектаридан эса 50—60 центнердан маккажўхори дони олиш ҳаракати қизиб бормоқда.

Бугун газета юбилей йилида 1 миллион тонна маккажўхори дони етиштиришга аҳд қилган Узбекистоннинг ёш маккажўхорикорлари мактубини эълон қилмоқда. Бу ерда беш юздан зиёд комсомол-ёшлар бригадаси ҳар гектар ердан 100 центнер ва ундан ҳам кўпроқ маккажўхори дони олиш учун мусобақалашмоқда. Республикада донга экиладиган бу экин майдони 26 минг гектар ортади. Шоили почвн Украина, Молдавия, Қозоғистонда, Урта Осиё ва Закавказье республикаларида, Россия Федерациясининг қатор ўлкаларн ва областларида ўз ижодшарнни кутмоқда.

Узбекистон деҳқонлари маккажўхори дони етиштиришни кўпайтириш борасида катта иш қилмоқдалар. Улар ўтган йили мураккаб об-ҳаво шароитлари оқибатида келиб чиққан жиддий қийинчиликларни бартараф этиб, ҳар гектар ердан 62 центнердан дон олиб, бу ғоят қимматли экин тайёрлаш давлат планини анча оширнб бажардилар.

Республика хўжаликларида 2 минг 352 комсомол-ёшлар бригадаси ишлади. Олтмишта илғор коллектив ҳар гектар ердан 100 центнер ва ундан ҳам кўпроқ дон ҳосили олди. Фрунзе районидаги Жданов номли совхознинг Мастура Ҳошимова, Хўжайли районидаги Ленин номли колхознинг Ширин Юсупова, Қамашидаги «Коммунизм» колхозининг Гулбаҳор Нуриллаева, Тўрақўрғон районидаги «Намуна» колхозининг Валижон Абдуллаев бошлиқ бригадалари ҳар гектар ердан 110—135 центнердан ҳосил кўтардилар. Самарқанд, Қашқадарё, Андижон, Тошкент областларининг ёш механизаторлари мўл ва мунтазам юқори ҳосил етиштириб келмоқдалар. Партия ва ҳукумат Узбекистон маккажўхорикорларининг ютуқларини юксак тақдирладилар. Яқинда улардан 102 киши Ватаннинг фахрий мукофотларига сазовор бўлди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, мўл дон ҳосилига эришиш айрим рекордчиларга хос бўлмай юзлаб маккажўхоричилик звенолари ва бригадаларининг ҳам қўлидан келади. Дондаги звено бошлиғи Раиса Горажеванинг намунаси ҳам шундан далолат бериб турибди. У юбилей йилида маккажўхоридан 100 центнердан ҳосил олиш учун мусобақани давом эттирди. Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозининг Ҳасан Абдиев, Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхознинг Собир Қаландаров, Сариосиё районидаги Калинин номли колхознинг Ўлмасхон Ёрова бошлиқ ва бошқа комсомол-ёшлар бригадалари коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган йилда ҳар гектар ердан камида 100 центнердан маккажўхори дони етиштириш юзасидан республиканинг ёш маккажўхорикорларига Мурожаат билан чиқдилар.

Бу ватанпарварлик ташаббусини Узбекистон комсомоли Марказий Комитети маъқуллади, бошланғич комсомол ташкилотлари қўллаб-қувватлади.

> **Ҳар гектар ердан 100 центнердан «қаҳрабо дон» етиштириш мусобақасига ҳозирданоқ 507 комсомол-ёшлар бригадаси қўшилди. Уларга 35 минг гектардан кўпроқ суғориладиган экин майдони биркитиб қўйилган. Сариосиё ва Шўрчи районларининг маккажўхорикорлари ҳам район бўйича ана шундай кўрсаткичга эришишга аҳд қилдилар.**

Юксак мажбуриятларни биз амалий иш билан, экин экишга ҳар томонлама тайёргарлик билан мустаҳкамламоқдамиз. Бизнинг жанубий зонамизда экиш ишлари ҳадемай бошланиб қолади. Шуниси қувончли-ки, кўпчилик районларда экиш агрегатларининг ремонти ўтган йилдагига нисбатан илдам суръатлар билан бораяпти. Кўпгина хўжаликларда барча маккажўхори экиш сеялкалари, тракторлар синаб кўрилиб, акт билан қабул қилиб олинди. Лекин, биз Чимбой, Арнасой ва Пойариқ районларида экиш агрегатларининг учдан бир қисми ҳануз устахоналарда турганлигини айтмасак ўтолмаймиз. Шу йил биринчи апрелгача йиғим-терим техникаси ремонтини тугаллашга қарор қилган Жиззах, Юқори Чирчиқ ва бошқа районларнинг механизаторлари ташаббусини жуда фойдали деб ҳисоблаймиз. Бу ҳол ёз даврида одамларни экин парвариши ва мўл ҳосил тўплаш ишидан чалғитмаслик имконини беради.

Маккажўхорининг органик ўғитга иштаҳаси зўр. Узбекистоннинг тажрибали маккажўхорикорларидан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Найни Маматқодиров Кўрғонтепа районидаги «Савай» совхозида меҳнат қилади. У ўз бригадасининг муттасил 100 центнердан ҳосил кўтараётгани боисини тупроқни самарали ўғитлаш системаси асосида ва минерал ўғитни маҳаллий ўғит билан моҳирона аралаштириб ишлатишда деб билади. Бригада ҳар 2—3 йилда бир марта ҳар гектар ерга 25—30 тоннадан чиринди ёки минерал ва органик ўғит аралашмасини солади.

> **Ҳозир бригадаларимиз ва бошқа хўжаликларнинг кўплаб бригадалари ҳар гектар ерга 15—20 тоннадан обдон чиритилган гўнг солишга аҳд қилганлар. Биз ҳар куни мана шу муҳим иш билан бандмиз ва сўзимизнинг устидан чиқадиган кунлар яқин қолди.**

Бухоро, Жиззах ва Наманган областларида ҳам маккажўхори экиладиган майдонлар ҳосилдорлигини оширишга қатиқ киришилса яхши бўларди. Негаки, ана шу областларнинг кўпгина колхоз ва совхозларида маккажўхори ҳосили республиканинг ўртача даражасидан ҳам паст. Афсуски, худди мана шу областларда маҳаллий ўғитни далага чиқариш сust ташкил этилган.

Гектарнинг саховзга, одатда, ўзимизнинг қўлимизга, қишлоқ хўжалиги интенсивлашнинг барча воситаларидан самарали фойдаланиш маҳоратимизга боғлиқ. Бунинг учун эса, ўқиш, машиналарни билиш керак, уларни бошқаришни ўрганиш керак. Коллективларимизда бу йил ҳамма маккажўхорикорлар механизаторлик касбини эгаллашади. Ўтган йили прицепчи, сувчи бўлиб ишлаган йигит ва қизлар ҳозир машиналарни ҳамда маккажўхори етиштиришнинг технологиясини ўрганмоқдалар. Гагарин районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг Ҳайдар Сафаров, Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг Тамара Шоғиёсова бошлиқ бригадаларининг сувчилари экинзорларни суғориб бўлгач, тракторни бошқарадилар, ўрим-йиғим даврида эса комбайн штурвалини бошқарадилар. Бу тажриба ҳамма-ҳамма комсомол-ёшлар бригадалари ва звеноларимизнинг мулки бўлиб қолишини истардик. Шу боисдан механизаторлик умумтаълими учун янги мактаблар, курслар ташкил этишни анча кенгайтириш ва бу ишни тезлаштириш лозим деб ҳисоблаймиз.

> **Республика комсомоли 120 минг нафар ёш механизатор тайёрлаш мажбуриятини олди. Бу катта вазифа. Бу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши барча комсомол-ёшлар бригадаларини асосан механизаторлар ҳисобига таъминлаш ҳамда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларида ҳам техникадан икки сменада фойдаланиш имконини беради.**

Илғор тажриба мактаблари катта фойда келтирмоқда. Бу мактаблар энг яхши бригадаларнинг базасида ташкил этилган. Ўтган йили икки мингдан зиёд ёш маккажўхорикор бу мактабларда профессионал маҳоратини оширди. Маккажўхорикорларнинг республика мактабида 200 нафар бригадир ўз билимини оширди. Ўқишдан кейин маккажўхорикорларни аттестациядан ўтказишни йўлга қўйиш мақбул бўлур эди. Кейин меҳнатга ҳақ тўлашда бу нарса ҳисобга олинса яхши бўларди.

> **Узбекистон комсомоли КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик ходимларига мактубига жавобан Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишоналанадиган йилда камида бир миллион тонна маккажўхори дони етиштириш ва йиғиб-териб олишни мақсад қилиб қўйди. Утган йилга нисбатан маккажўхори майдони 26 минг гектар кенгайтирилади.**

Шу муносабат билан ҳозир кўплаб бригадаларга қўшимча экин майдони ажратиб берилди. Энди техника воситаларини, айниқса, ўрим-йиғим машиналарини кўпайтириш лозим. Ҳозирча комбайнлар етишмаслиги натижасида анчагина майдонлардаги ҳосил қўл кучи билан ўриб-йиғиб олинаяпти. Бу эса ўрим-йиғим муддатини узайтириб ҳосил нобудгарчилигига сабаб бўлмоқда. Узбекистон маккажўхорикорларининг ҳар гектаридан 100 центнердан ҳосил олиш ҳаракати қизиб бормоқда.


Комсомол-ёшлар бригадаларининг топшириғига мувофиқ: Р. АБДАЛИЕВ, Сирдарё областидаги «Боёвут» совхозининг бригадири; В. АБДУЛЛАЕВ, Наманган область Тўрақўрғон районидаги «Намуна» колхозининг бригадири; Т. АКАБОЕВ, Жиззах областидаги Қ. РАҲИМОВ номли совхоз бригадири; Б. АЛЛАДИНОВ, Самарқанд областидаги «Булунғур» совхозининг бригадири; А. АЛЛАЁЗОВ, Хоразм область Урганч районидаги бўрдоқичилик базасининг бригадири; М. ЗУБАЙДОВ, Қашқадарё областидаги «Партия XXII съезди» совхозининг бригадири; С. МЕЛИБОЕВА, Андижон область Москва районидаги «Қизил Узбекистон» колхозининг бригадири; Д. МИРЗАЕВ Тошкент областидаги Ворошилов номли совхоз бригадири; Х. САФАРОВ, Сурхондарё областидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг бригадири; М. ХОШИМОВА, Фарғона областидаги Жданов номли совхозининг бригадири; Ч. ЭГАМОВ, Бухоро область Свердлов районидаги Навоий номли колхоз бригадири; Ш. ЮСУПОВА, Қорақалпоғистон АССР Хўжайли районидаги В. И. Ленин номли колхоз бригадири.

(«СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ», 1977 йил 10 февраль).

ОБЛАСТИМИЗ ИЛҒОРЛАРИ







(ЮҚОРИДАН ПАСТГА) КАН О НАМ — Урта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуолим ИСОҚОВ — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози раиси, Номозбой ШЎЙБЕКОВ — Чиноз районидаги Жамбул номли қўйчилик совхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Анвер АЛИЕВ — Қуйи Чирчиқ районидаги «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг пахтачилик звеноси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

МЕҲНАТГА ЯРАША ДАРОМАД

Илғарилари «Ленинобод» колхози нисбатан кам ҳосилли хўжалик сифатида тилга олинар, айниқса чорвачилик бўйича орқада эди. Кейинги икки йил ичида аҳвол анча ўзгарди, хўжалик янгидан-янги ютуқларни қўлга кирита бошлади.

ЯҚИНДА колхозчилар 1976 хўжалик йили якунини муҳокама қилдилар. Қувончли томони шундаки, улар йиғилишдан жуда мамнун қайтдилар.

Бунинг боиси нимада?

Аввало, меҳнат интизоми мустаҳкамланиб, ҳисоб-китоб ишлари яхши ташкил этилганлиги туфайли хўжаликнинг ҳамма соҳаси комплекс ривожланмоқда. Масалан, колхоз бўйича биринчи марта ҳар гектар ердан 32,1 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Сабзавот, картошка, маккажўхори дони етиштириш кўпайди, бу маҳсулотларни давлатга сотиш планлари оширнб бажарилди. Гўшт тайёрлаш йиллик топшириғи 110,3 процент, сут — 131,5 процент, тухум — 100,3 процент, жун — 100,9 процент адо этилди.

Колхоздан миришкор пахтакорлар етишиб чиқди. Улардан бири Инобат Ҳожибековадир. У бошлиқ бригада 40,1 центнердан ҳосил кўтариб, хўжаликда биринчиликни эгаллади.

Ёки Узоқ Саидовни олайлик. У ички резервларни топиб, ишга солишга, ҳар бир агротехник тадбирни вақтида ўтказиб, ҳар бир ишни сифатли бажаришга одатланган. Бригада ўтган йили 4 гектар янги ер ўзлаштириб, ишлаб чиқариш ҳаражатларидан 6054 сўм иқтисод қилиб олди. Фидокорона меҳнатлари учун И. Ҳожибекова Октябрь Революцияси ордени билан. У. Сандов Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

«Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деганларидек, мардона меҳнат мўлмай даромад келтирди. Колхозчилар ҳар сўм ҳисобига яна бир сўмдан қўшимча ҳақ олдилар. Бу, олдинги йилдагига нисбатан 26 тийиндан кўп, демакдир. И. Ҳожибекова бошлиқ бригада аъзолари эса, 1 сўм 73 тийиндан қўшимча ҳақ олдилар ёки бригададаги ҳар бир колхозчининг ўртача ойлиги 400 сўмданга тўғри келди.

Колхоз раиси А. Мусаев, музокараларда қатнашган бригада бошлиқлари И. Ҳожибекова, У. Сандов, Ш. Ҳусанов, сут соғувчи Л. Ҳамроева, механизатор-звено бошлиғи Т. Қаххоров ва бошқалар юқоридагиларни таъкидлаш билан бирга, ҳали кўпгина имкониятлар бой берилаётгани ҳақида гапирнб ўтдилар. Пахта ҳосилдорлиги бўйича бригадалар ўртасида катта тафовут бор. Агар ҳамма бригадалар лоақал колхоз даражасида ҳосил етиштирганда эди, қўшимча яна 286 тонна пахта олинган бўлур эди. Чорва маҳсулдорлиги ҳамон паст. Насл олиш кўнгилдагидек эмас.

Йиғилишда камчиликларни тугатиш, 1977 йил ҳисобига тайёргарликни кучайтириш, чорва қишловини намунали ўтказиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига пахта ҳосилдорлигини камида 35 центнерга етказиш, бошқа экинлар ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлигини анча оширишга қаратилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

А. АҲМЕДОВ,
Бўка район «Пахтакорлар овози» газетасининг редактори.

1000 ТОННА СУТ ТОПШИРИЛАДИ

СОВХОЗИМИЗ меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини салмоқли ютуқлар билан якунладилар. Пландан ташқари анча кўп сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти етказиб берилди. Чорвачиликнинг барча турлари бўйича берилган топшириқ ортиғи билан бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарори бизни руҳлантириб юборди. Қарорни кенг муҳокама қилиб, муҳим тадбирларни белгилаб чиқдик. Эндиликда эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва резервлардан кўпроқ фойдаланишга эътиборни қаратяпмиз. Тракторчиларимиз, деҳқонларимиз, чорвадорларимиз янги зафарларни қўлга киритиш юзасидан ўз зиммаларига оширилган мажбурият олдилар. Улар мажбуриятни тўла-тўкис бажариш учун ҳар бир қундан баракали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Тракторчилар техникани экишга шайлаб қўйишмоқда. Эртаги экинлар экиладиган майдонлар текисланиб, ариқлар олинмоқда. Ирригация шоҳобчалари тартибга солинаяпти. Органик ўғитлар тўпланиб, далага чиқариш кучайиб кетди. Бу иш билан шуғулланадиган махсус бригада ташкил этилди.

Чорвадорларимиз ҳам ишни мусобақа асосида олиб боришяпти. Қишдан моллари соғлом, семиз олиб чиқишга ҳаракат қилиняпти. Коммунистлар, комсомол-ёшлар ферма ва отарлардаги ишлардан кўз-қулоқ бўлиб туришибди. Мавжуд ем-хашакни тақсимлаш, нобуд бўлмаслиги, нушхурдга чиқармаслик чоралари кўрилди. Шу туфайли ҳам қиш ойларида сут соғиб олиш камаймади.

Биз январь ойида 60 тонна ўрнига 68 тонна серқаймоқ сут топширдик. Бу ўтган йилнинг шу ойида топширилган сутга нисбатан кўпдир. Ленин ордени кавалери Саломат Эргашева, Нури Ҳамроева, Гулсара Эралиева каби сут соғувчиларимиз, айниқса, баракали меҳнат қилишяпти. Уларнинг ҳар бири январь ойида ўзларига биркитилган сигирлардан 278 литрдан сут соғиб олиб топшириқни ортиғи билан бажардилар.

Биз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида оширилган мажбуриятлар олдик. Ферма ходимлари учун жойларда барча шароитларни яратиб бердик. Сут соғувчиларимиз зиммаларига олган мажбуриятларини ортиғи билан бажариб, давлатга минг тонна сут сотишга аҳд қилдилар.

Зиммамизга олган мажбуриятларимизни сўзсиз бажарамиз. Узаро социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдирамиз.

У. УМУРЗОҚОВ,
Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхознинг директори.

ЎРНАК БЎЛМОҚДАЛАР

Бу ерда дала ишларн кун сайин авж олдирилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Мактубида белгиланган вазифалар асосида зарур тадбирлар кўрилмоқда. Бригада аъзолари ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга бел боғладилар. Ҳар бир ишни амалга оширишда эса ўтган йилги сабоқлар ҳисобга олинмоқда.

— Биз, — дейди бригада бошлиғи Муслим ака Раимов, — ишни қатъий график асосида олиб бормоқдамиз. Бу йил кафтдек текисланган, маҳаллий ва маданий ўғитлар солинган майдонларга уруғ ташлаймиз. Бунда техникадан янада самаралироқ фойдаланамиз. Ғўза парваришини илғор агротехника талабига мувофиқ, ўз муддатларида ўтказамиз. Ҳосилдорликни ошириш йўлида барча резервларни ишга соламиз.

Бульдозерчи, скреперчилар ҳам ишни мусобақа асосида ташкил этиб ер текисламоқдалар. Бир неча кун ичида беш гектардан ошиқ майдон текисланиб қишлоқ хўжалик оборотига киритилди.

Кундалик норма икки, икки ярим баравардан бажарилмоқда. Умурзоқ Ашуров, Маннон Мадғойипов, Икром Суюнов, Мовлон Мадғойипов, Абдукарим Тошназаров, Йўлдош Ботиров каби азаматлар зовурларни тозалашда ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар.

М. ГОЗИЕВ,
Чиноз, Навоий номли колхоз.





ҚЎЙЛИҚ теплица комбинати ишчилари қиш кунларида помидор ва бодрингдан мўл ҳосил етиштириб, шаҳарликлар дастурхонини тўкин-сочин қилмоқдалар. Улар мавсум охиригача пландан ташқари кўплаб тонна маҳсулот етиштириш учун қизғин курашмоқдалар. Суратда: социалистик мусобақа илғорларидан Х. Ҳусанова, З. Шораҳмедова, С. Муҳиддинова, Х. Алимова, М. Иброҳимова, М. Юнусовалар иш устида.

А. Абалян фотолари.

ЯНГИ РАВНАҚИ УЧУН!



ОҚҚЎРҒОН районидаги «Партия XXII съезди» колхози чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказиб, айни кунларда ҳам соғин сигирлар маҳсулдорлигининг камайишига йўл қўймаяптилар. Айниқса, тажрибали соғувчи Тамара Исломгулова қарамоғидаги сигирларни яхши парваришлаб уларнинг ҳар биридан кунига 8—9 литрдан сут соғиб олаётир. Ҳ. Аввалов фотоси.

ФЕРМАЛАРДАН ХАБАРЛАР

◆ БЕКОБОД. Сут етиштиришни кўпайтириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган Ленин номли колхоз чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказмоқдалар. Жамгарилган ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланилмоқда. Натижада соғин сигирларнинг маҳсулдорлиги кундан-кунга ошиб бормоқда. Колхоз чорвадорлари ўз зиммаларига юксак социалистик мажбурият олдилар. Мавжуд 390 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3700 килограммдан сут соғиб олиш, жами 1450 тонна сут етиштиришга қарор қилинди. Улар январь ойи планини муваффақиятли бажардилар.

ШУНИНГДЕК, Дзержинский номли колхозда ҳам чорвачилик ишлари намунали йўлга қўйилган. Р. Алимова, Н. Саидова, Ҳ. Исломова, Ж. Курьязова каби сут соғувчилар ўзаро мусобақалашиб, қарамоғларидаги говмушлардан 8-9 килограммга етказиб серқаймоқ сут соғиб олмоқдалар.

А. БОБОНАЗАРОВ, С. ДЕҲҚОНОВ.

◆ БЎКА. Сажор Фозилова яқинда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Оддий сут соғувчининг камтарин меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланганлиги уни ва ҳамкасбларини янги меҳнат ғалабалари сари ундамоқда. Фрунзе номли колхознинг сут соғувчиси С. Фозилова қарамоғидаги 18 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3500 килограммга етказиб серқаймоқ сут олишга сўз берди. Ҳозир у боқимидаги говмушларнинг ҳар биридан 8 килограммдан ошириб сут соғиб олмоқда. Колхозда чорва қишлови намуналй ўтказилаётганлиги учун ана шундай кўрсаткичларга эришилмоқда.

А. ТЎЛАЕВ.

◆ ОҚҚЎРҒОН. Иқбол Раҳмонова ҳамда Меҳри Иброҳимовалар ўзаро мусобақадош. Ҳар иккиси ҳам бу йил ўзларига беркитилган соғин сигирларнинг ҳар биридан 4000 килограммга етказиб сут соғиб олишга сўз беришган. Беллашиб меҳнат қилаётган «Коммунизм» колхозининг бу илғор сут соғувчилари ҳар куни 9-10 килограммдан сут соғиб олиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Узларининг меҳнатда орттирган илғор тажрибаларини ёш соғувчиларга ўргатишмоқда.

Т. ЗОКИРОВ.

◆ ҚУЙИ ЧИРЧИҚ. Киров номли колхоз чорвадорлари ўтган йилни катта меҳнат муваффақияти билан якунладилар. План ва мажбурият ошириб бажаришди. Уларнинг бу йилги мақсадлари чорва маҳсулотларининг барча тури бўйича ўтган йилги натижаларидан ўзиб кетиш, мўл, арзон ва сифатли гўшт, сут, тухум етказиб беришдир. Шу мақсадда жамғарилган озуқа молларга рацион асосида бериляпти. Қишлов намуналн ўтказилмоқда. Бу ишларни амалга оширишда К. Донобоев, У. Сарсенбоев каби молбоқарларнинг хизмати катта.

С. МУСТАФОЕВ.

ДЕҲҚОН БУВА НАСИҲАТИ

Ҳормангиз эй, иш дўндирган деҳқон ўғлим,
Кўп яшанглар эл жонига дармон ўғлим,
Ўтган йил иш ўринладинг обдон, ўғлим,
Халқ ишончин оқладинг мард, полвон ўғлим,
Майлига сур ўз вақтида даврон ўғлим.
Даврон, давлат меҳнатимиз орқасидан,
Бу фарогат меҳнатимиз орқасидан,
Барча ҳурмат меҳнатимиз орқасидан,
Шону-шуҳрат меҳнатимиз орқасидан,
Уяжакмиз тағин тоғ-тоғ хирмон, ўғлим.
Кўзни юмиб очгунича баҳор яқин,
Ҳаво исиб, булут кетар, тинар ёғин,
Шудгор тўйиб бўрсиллайди, мисли боқин,
Тараддуд қил, шоширмасин ҳамал тағин,
Техникани шайлашга топ имкон, ўғлим.
Бу йил яна ғалабага йўл чоғлайлик,
Ишимиз чўнг, Ватан учун бел боғлайлик.
Меҳнат қилиб ялқов дилни хўп доғлаймиз,
Эй, деҳқонлар, шаймисиз деб сўроқлаймиз,
Ҳамал яқин, от сурамиз чаққон ўғлим.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ.

БРИГАДИРНИНГ ЎЙЛАРИ

Бригаданинг ери иккита яхлит картадан иборат. Абдурасул ака ўрта йўлдан қор кечиб боряпти. Қизиқ, шу пайтда далада нима бор унга. Ариқ-зовурлар аллақачон тартибга келтириб қўйилган. Маҳаллий ўғитлар шудгорлаш тугаган кунлардаёқ керакли миқдорда ташиб чиқарилган.

Бригадир чилла қорининг оёқ остида ғарчиллашини эшитмаётгандай, оппоқ қор остидаги далаларга ўйчан тикилганича, йўлида давом этади. Ҳаёлида ўша фикр. Авжи масъулиятли пайт келганда тасодифан бетобланиб, касалхонада ётиб қолмаганида бундай бўлмасди, албатта. Ҳосилдорлик ошиш ўрнига, 5 центнер камайиб кетса-я. Буқу, майли-я, правление аъзолари нега бундай қилишди? Сайдазим Хўжаев бригадасида ҳосилдорлик 45 центнердан ҳам ошиб кетди. Орденни асли у олиши керак эдику. Эргаш Абдуллаев ҳам ҳосилдорликни биздан беш центнер ошириб юборди...

Абдурасул ака Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлигини ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтган куниниг эртасига газетадан ўқиб билди. Билди-ю, ноқулай бўлгандек ҳижолат тортди. Чунки, у бошлиқ бригадада ҳосилдорлик мажбуриятдаги 35 центнер ўрнига 38,6 центнерга етказилган бўлсада, бироқ колхоздаги ўн бир бригада орасида еттинчи ўринга тушиб қолди.

Аслини олганда бригада бу йил ҳам байроқдорликни қўлдан бермаслиги мумкин эди. Карталардаги ғўзанинг бир текис барқ уриб ўсиши, шоналаб, ҳосил тугиши чаки эмасди. Сабаби — ҳар йилгидек бу хўжалик йилида ҳам кузги шудгорлаш пайтиданоқ мўл ҳосил учун замин яратишга астойдил киришилди. Ерларга гектар ҳисобига 300-350 килограмм миқдорида аммофос ва суперфосфат солиниб, чуқур қилиб ҳайдалди. Карталар шундоқ ҳам текис бўлса-да, чигит экиш олдидан қайта-қайта бороналанди.

Айрим пахтакорлар ерга барака уруғи қадаш пайтида бирйўла селитра ҳам солишни афзал кўришади. Абдурасул ака эса бу усулни фойдали деб ҳисобламайди. Унинг фикрича чигит униб чиқиб, ривожланиб ўзини тутиб олгунча селитрадек кучли ўғитга муҳтож эмас. Унинг ўрнига гектар ҳисобига 100 килограмм миқдорида аммофос берилса, эндигина униб чиққан мурғак ғўза ундан фойдаланиб, дуркун ривожланади. Кейинчалик ҳар қанча селитра берилса ҳам бемалол «ҳазм» қила олади.

Ягана ҳам қисқа муддатда сифатли қилиб ўтказилди ва ҳар гектар ерда 130 минг ҳисобида кўчат қолдирилди. Бригадирнинг фикрига қараганда биринчи сувни қай пайтда бера билишда гап кўп. У ҳар йили ер шароитига қараб дастлабки сувни 1-5 июнь оралиғида беради.

НИШОНДОР КИШИЛАРИМИЗ

Бригадада ғўзаларни ҳар йили икки марта чеканка қилишга одатланилган. Ўтган хўжалик йилида биринчи чеканка 15 июлдан бошланди. Ўша кезларда ҳосил чўғини чамалаб кўрган бригадир 45, ҳатто 50 центнерлик маррани мўлжаллаб қўйган эди. Бироқ...

Абдурасул ака бетобланиб касалхонага ётиб қолган кундан бошлаб ҳарорат 40 градусдан ошиб, бир ҳафта давомида пастга тушмади. Бригада аъзолари Абдурасул аканинг йўқлигини билдирмай, иссиқ қўл келиб ривожлана бошлаган зараркунандаларни тезда қириб ташладилар-у, лекин ғўзанинг шона ташлашини тўхтатиб қололмадилар. Ҳамма карталарга баравар сув тарашнинг иложи бўлмади. Сув етишмаган карталарда ғўзалар кучли ҳароратдан лоҳасланиб, ҳосилнинг бир қисмини тўкиб юборди. Ғўзаларнинг юқори ва ўрта қисмидаги 20-30 процент ҳосил нобуд бўлди. Бу бригаданинг умумий хирмонига анча зарар келтирди.

Абдурасул Бобоқулов пахтачиликда чорак асрлик бой тажрибага эга. У етакчилик қилаётган бригада бир неча йилдан бери хўжаликда мунтазам байроқдор бўлиб келаётир. Хўжаликда ҳосилдорлик йил сайин юксалиб бораётган экан, бунда Абдурасул аканинг хизмати катта. Уз ҳамкасбларига ҳам қимматли маслаҳатлари билан ҳам амалда ёрдам бериб келаётир. Бир сўз билан айтганда байроқдор бригада етакчиси кўп йиллик фидокорона меҳнатлари эвазига ҳар қандай юксак мукофотга лойиқдир.

— Партия ва ҳукуматимизнинг бу юксак мукофотини бригадамиз аъзолари меҳнатига берилган аванс деб биламиз, — дейди Абдурасул ака. — Биз янги хўжалик йилида 45 центнерлик маррани эгаллаб, юксак ишончни ёруғ юз билан оқлаш учун астойдил ҳаракат қилаётгирмиз.

Дарҳақиқат, бригада аҳли бу йил байроқдорликни яна ўз қўлига олишга астойдил киришган. Кузда ўн гектар эски бедапоя сифатли ҳайдалиб, бригаданинг пахта майдони 85 гектарга етказилди. Ҳамма майдон аммофос ва суперфосфат солиниб шудгорланди. Мутал Муллажонов билан Абдуқодир Беркиевлар ўзларининг «Ўзбекистон» маркали тўрт қаторли терим машиналарини ва чопиқ тракторларини ремонтдан чиқариб кўкламги ишларга шай қилиб қўйишган. Бригаданинг Усмон Саидмусаев, Туран Эргашев, Қўчқор Хусанбоев сингари тажрибали сувчилари яқинда махсус курсларда ўқиб малакаларини оширдилар.

Орденли пахтакор бошлиқ бригада коллективининг аҳди қатъий. Уларнинг 45 центнерлик маррани эгаллаб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олишларига шубҳа йўқ.

А. ИУЛДОШЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ДЎСТЛИК ҚОНУНЛАРИГА МУВОФИҚ

ЛУАНДА, 9 февраль. (ТАСС мухбирлари). Ангола Халқ Республикаси балиқ хўжалиги министри Жозе Карлуш Виктор Ди Карвалью совет денгизчиларининг Мосамедиш балиқ овловчиларига берган ёрдами Совет Иттифоқи билан Ангола Халқ Республикаси ўртасидаги мавжуд дўстлик ва пролетар бирдамлигини тасдиқловчи янги далил, деб атади.

Бу воқеа бир неча кун олдин рўй берган эди. Мамлакатнинг жанубидаги Мосамедиш портида совитиш установкалари ишдан чиқиб қолди. Вилоятдаги балиқчилар овлаган 700 тоннадан ортиқ балиқнинг ҳидланиб қолиш хавфи туғилди. Республика пойтахти ташвишли телеграммалар олиб турибди. Ангола Халқ Республикасининг президенти Агостишью Нето ёрдам сўраб Совет Иттифоқига мурожаат қилди. Бу илтимосга жавобан Атлантиканинг жанубишарқий сувларида сузиб юрган совет траулери «Сергей Люлин» Мосамедишга юборилди. Совет денгизчилари докерлар билан биргаликда жуда қисқа вақт ичида балиқни кема рефрижераторларига ташиб олдилар ва бутун овланган балиқларни Луандага етказиб бердилар.

Министр ўз вақтида ёрдам берганлиги учун бутун Ангола халқи номидан «Сергей Люлин» экипажига самимий ташаккур изҳор қилди.

В. ГОЛЕНКОВ, Н. СЕМЕНОВ.

АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

◆ ХЕЛЬСИНКИ. Бу ерда ЮНЕСКОнинг атроф муҳит масалалари билан шуғулланувчи экспертларининг Европа кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда 30 мамлакат, шу жумладан СССР, Украина ССР ва Белоруссия ССР делегациялари қатнашди.

Кенгаш қатнашчилари атроф муҳитни муҳофаза қилиш проблемалари хусусида Умумевропа конгрессини ўтказиш идеясини қўллаб-қувватладилар. Бундай конгресс ўтказиш тўғрисидаги бу идеяни Совет Иттифоқи илгари сурган эди.

◆ БЕЛГРАД. Ўрта Денгиз соҳилидаги 15 мамлакат билан БМТ ихтисослаштирилган муассасалари вакилларининг Сплит шаҳрида ўтказилган ҳукуматлараро конференцияси Ўрта денгиз ҳавзасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланди.

Конференция қатнашчилари БМТ мутахассислари тайёрлаган Ўрта денгиз табиий бойликларидан рационал фойдаланиш плани лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ўрта денгиз суви булғанишига йўл қўймаслик чораларини белгилаб олдилар.

◆ РИМ. Яқинда бу ерда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш билан шуғулланувчи Совет—Италия аралаш ҳичин комиссиясининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Кичик комиссия шу соҳада икки томонлама ҳамкорлик қилиш борасида узоқ муддатга мўлжалланган программани, шунингдек 1977—1978 йилларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида биргалашиб олиб бориладиган ишлар режасини аниқлаб олди.

◆ РАБОТ. Марокашда ўтказилган дов-дарахтларни муҳофаза қилиш ойлиги чоғида бир миллион тупдан зиёд пробка дуби, эвкалипт, бербер туяси, атлас кедри ва бошқа қимматбаҳо дов-дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Марокашда, айниқса қўрғоқчил районларда дарахтзорларни кўпайтиришга катта аҳамият берилаяпти. Бу ерлардаги дарахтзорлар далаларни тупроқ эрозиясидан муҳофаза қилувчи, сув ҳавзаларини сақловчи пухта восита. Саҳрои кабр қумларини тўсадиган говдир.

◆ РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилиялик олимлар Амазонка дарёси ҳавзасидаги тропик ўрмонзорлар аёвсиз кесилаётганлигидан жиддий ташвишланмоқдалар. Амазонка тадқиқот институтининг директори Уоррик Эстеван Карр «Фолья ди Сан-Паулу» газетаси мухбири билан қилган суҳбатида Амазонка ўрмонзорларини кўплаб қирратиш мамлакатнинг ана шу райони иқлимига салбий таъсир кўрсатади, деди.

ГФР АНТИФАШИСТЛАРИНИНГ ТАЛАБИ

БОНН, 9 февраль. (ТАСС). Шпрингенда (Таунус) нацизм даврида таъқиб этилган кишилар бирлашмаси — антифашистлар иттифоқи президиумининг мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари Хельсинкида ўтказилган Умумевропа кенгаши якунловчи актининг барча қоидаларини изчиллик билан амалга ошириш зарур эканлигини таъкидладилар.

Улар тинчликни янада мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш мақсадида кўрилаётган тадбирларга ҳалақит бериш йўлидаги уринишларни кескин қораладилар. Антифашистлар иттифоқининг президиуми кескинликни юмшатиш душманларининг найрангларини фош қилдилар. Бу найранглар Европада хавфсизликни ва давлатларнинг чегараларн дахлсизлигини таъминловчи якунловчи акт қоидаларининг мазмунини пучга чиқаришни кўзда тутади. Ана шу қоидалар сиёсий кескинликнинг юмшатилишини ҳарбий кескинликни юмшатиш билан тўлдириш зарур эканлигини қайд қилган эди.

Ғарбий Германия антифашистлари ташкилоти президиуми «касб бўйича тақиқлаш»га қарши норозилик ҳаракати билан бирдам эканлигини билдирди. Президиум Германия Федератив Республикасида демократик ҳуқуқларни ва граждан эркинликларини ҳимоя қилиш йўлидаги барча тадбирларни қўллаб-қувватлади.

ГФРдаги расмий маъмурлар янги нацист ташкилотларининг кирдикорларига йўл қўйиб бераётганлиги муносабати билан мажлис қатнашчилари норозилик изҳор қилдилар ва ана шу кирдикорларга чек қўйилсин, деб талаб этдилар.

(ТАСС).

ШАРАФЛИ БУРЧ

Партия ва ҳукуматимизнинг чексиз ғамхўрликлари туфайли совет медицинаси йил сайин ривожланиб бормоқда. Республикамизда бўлгани каби областимизда ҳам аҳолига медицина хизмати кўрсатиш соҳасида қатор ютуқлар қўлга киритилди. Бундай кўрсаткич ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳам чакки бўлмади. Шу билан бирга меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳали ҳал қилинмши лозим бўлган қатор вазифалар турибди.

Шифокорлар бу ва шунга ўхшаш бошқа муҳим вазифаларни атрофлича муҳокама қилиш, галдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида яқинда медицина ва фармацевтика ходимларининг область активи йиғилишига тўпландилар. Актив йиғилишини область партия комитети фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири **Н. Ф. Иброҳимов** кириш сўзи билан очди.

Йиғилишда область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири **Б. У. Тошбеков** доклад қилди. Ҳамма нарса совет кишиси учун, унинг бахт-саодати учун! Меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш, узоқ умрни таъминлаш учун кураш ҳам умумдавлат аҳамиятига эга бўлган вазифадир.

Ўтган йили областда янги шифохоналар қуриш учун 3 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. 1,8 миллион сўмлик медицина асбоб-ускуналари сотиб олинди. Бўстонлик, Юқори Чирчиқ, Янгийўл районларида очилган шифохоналарда намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Тўртта фельдшер-акушерлик курслари очилди.

Эндиликда қишлоқ аҳолиси учун 300-400 ўринли типовой касалхоналар қуришга эътибор кучайди. Қишлоқ советларига қарашли касалхоналар сони ортди. Кўп профилли иҳтисослаштирилган медицина хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Кичик поликлиникалар марказлаштирилди. Кўплаб тиш кабинетлари иш бошлади. Аҳолига «Тез ёрдам» станциялари орқали тиббий хизмат яхши уюштирилмоқда. Область соғлиқни сақлаш бўлими ҳузурида ишлаб турган кенгаш йўли билан меҳнат муҳофазасини яхшилаш юзасидан кўпгина тадбирлар белгиланди. Фельдшер-акушерлик пунктлари жойлашган биноларнинг моддий базаси мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, дейди докладчи, ҳали ишимизда камчиликлар кўп. Бошлаб қўйилган шифохоналар бинолари қурилиши баъзан чўзиб юборилмоқда. Аҳолига стоматологик хизмат кўрсатиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Айниқса, Олмалиқ, Бекобод ва Оҳангарон районларида шу соҳанинг мутахассис кадрлари етишмайди. Онкология бўйича ҳам амалий ва кузатиш ишлари олиб бориш лозим. «Тез ёрдам» станцияларининг базаларини янада мустаҳкамлаш даркор.

Самарадорлик ва сифат беш йиллигида медицина хизматини намунали ва малакали ташкил этиш ғоят муҳимдир. Бунинг учун жойларда санитария маорифи ва пропаганда ишларини кучайтиришимиз даркор.

Актив йиғилиши қатнашчилари область дорихонаси бошқармасининг бошлиғи **Х. Д. Давлатов**нинг қўшимча докладини ҳам тингладилар. Докладчи дорихоналарнинг моддий базасини мустаҳкамлаш энг муҳим вазифалардан бири эканлигини алоҳида уқтириб ўтди. Ўтган йили, дейди у, дорихоналар тармоғи кенгайди, бир нечта бундай дорихоналар типовой биноларга кўчиб ўтдилар. 6 та янги дорихона иш бошлади. Булардан 4 таси қишлоқ районларида жойлашган. Мавжуд дорихоналар учун 130 минг сўмлик медицина асбоб-ускуналари ва мебеллар сотиб олинди. 9 та дорихона капитал ремонтдан чиқарилди. Узоқ яйловларда яшовчи чорвадорларга тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида бир нечта автолавка ажратилди. Шу билан бирга меҳнаткашлардан кўплаб буюртмалар олинди. Сўралган дорилар узоғи билан 1-4 кун ичида эгаларига етказиб берилди.

Область лабораторияси айниқса яхши фаолият кўрсатди. Бир нечта дорихона илғор тажрибалар марказига айлантирилди.

Аҳолига дори-дармонларни ўз вақтида етказиб бериш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим. Шу муносабат билан докладчи бу соҳада муаммо бўлиб турган вазифалар ҳусусида етарлича тўхталди.

— Бизда медицина хизмати кўрсатишга алоҳида аҳамият берилмоқда,— дейди Янгийўл шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири **О. Х. Абдуллаева**. — Айниқса, даволаш диагностикаси масалалари доимий диққат-эътиборимизда турибди. Кичкинтойлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида яхши тадбирлар амалга оширилди. Туғуруқхоналар сони кўпайди. Иҳтисослаштирилган болалар поликлиникаси ишга тушди.

Соғлом ёшликни таъминлаш учун болаларнинг тўғри овқатланишига жиддий эътибор бериш лозим. Шу билан бирга, врачлар малакасини ошириш керак. Етакчи мутахассис олимлар билан ҳамкорлик ўрнатиш фойдадан ҳоли эмас.

Ангрен шаҳридаги биринчи касалхона фаолияти доим мақталади. Даволаш ишлари билан боғлиқ бўлган кўпгина янгиликлар шу ерда жорий қилинди. Бу шифохона областимизда биринчи бўлиб «Тез ёрдам» станцияси билан бирлаштирилди. Ўрта Осиё медицина педиатрия институти кафедраси билан касалхона ўртасида яқин алоқа боғланди. Шифохонанинг бош врачи **И. Б. Флейшмахер** ана шулар ҳақида батафсил гапириб берди.

Чиноз район санитария эпидемиология станциясининг бош врачи **Ф. О. Нагаев**, Бекободдаги марказий район касалхонасининг бош врачи **М. К. Камолиддинов**, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози фельдшер-акушерлик пунктининг мудири **Г. Н. Зубар**, Чирчиқ шаҳридаги 132-дорихона мудири **З. Нуриддинов** ва бошқа ўртоқлар ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасалар иши ҳақида сўзладилар. Таниқли медик олим профессор **А. С. Маҳмудов** болалар касалликларининг олдини олиш ҳақида қимматли фикрларни баён қилди.

Актив йиғилишида область ижроия комитети раисининг ўринбосари **Г. Б. Йўлдошева** нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари областимизнинг барча медицина ва фармацевтика ходимларига қарата Мурожаат қабул қилдилар, Шу билан бирга шифокорларнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган социалистик мажбуриятлари мақулланди.

А. АЛИЕВ.

МЕДИЦИНА ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИ ОБЛАСТЬ АКТИВИ ИЙҒИЛИШИ

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ҚУИИ ЧИРЧИҚ. Петр Ким «Заря коммунизма» колхозининг эллиқцентнерчи илғор бригада бошлиқларидан. У бошчилик қилаётган бригада аъзоларининг бу йилги меҳнат режалари ҳам улкан. Деҳқонлар пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга, каноп ҳосилдорлигини 300 центнерга етказишга қарор қилишди. Асосий сув йўлларини ўтган йилиёқ техника воситасида сифатли ремонт қилиб қўйган бригада аъзолари айни пайтда баҳорги экиш ишларига тайёр туришибди.

М. САИДОВ.

* * *


БЕКОБОД. Беш йиллик планини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган «Победа» колхозининг Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Файзинисо Қўзиева бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси аъзолари дала ишларини қизитиб юборишди. Айни кунларда ариқ-зовурларни тозалаш, ерларга яхоб суви бериш ишлари жадал амалга оширилмоқда. Бригада аъзолари бу йил 42 центнердан хирмон кўтаришга сўз беришди.

Б. ЭГАМҚУЛОВ.

* * *

ЎРТА ЧИРЧИҚ. С. Дада боев, С. Шеримбетов, А. Энкебоев каби механизатор. лар ўз агрегатларини кўкламги экиш ишларига тайёрлаб қўйдилар. Улар меҳнат қилаётган «Северный маяк» колхозининг Э. Усмонов бошлиқ бригада аъзолари мавжуд 175 гектар пахта майдонидан 45 центнердан ҳосил олишга бел боғлашган. Шунингдек-каноп ҳосилдорлиги 200 центнерга етказилади.

С. АБДУЛЛАЕВА.



«ШКОДА» машинасозлик комбинатида 500 минг киловатт қувватли турбинани йиғиш ишлари поёнига етиб қолди. Шундай қудратли турбина Чехословакияда биринчи марта ишлаб чиқарилиб, у иссиқлик электр станциясида ўрнатилди. Суратда: Турбина статори йиғилмоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

Бизнинг ахборот

ҲАВАСКОРЛАР ОВОЗИ

Оҳангарон район маданият уйи ҳузурида ташкил қилинган бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида 180 йигит-қиз ўз санъатини намойиш қилияпти. Уларнинг бир группаси яқинда Ворошилов номли, Серго номли ва «Оҳангарон» совхозларида бўлиб чорвадорларга катта программада концертлар бериб қайтди.

Ашула ва рақс ансамбли репертуари бу йил яна ҳам бойиган. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб ансамбль репертуарига бир қатор ўзгартишлар киритилди. Ёш хонандалар Ватан, партия, дўстлик ҳақидаги қўшиқларни зўр эҳтирос билан куйламоқдалар.

— Ансамблимизнинг шуҳрати ошиб боряпти,— дейди район маданият уйи директори Ж. Эргашев.— Олдинги йилларда ўтказилган Бутуниттифоқ фестивалларида ансамбль коллективи 1 ва 2 даражали дипломлар билан тақдирланган эди. Ўқувчилар, ишчилар ва студентлардан ташкил топган бу ансамбль ҳозир бўлажак Бутуниттифоқ фестивалига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

ОБОД КЎЧА

Луначарский кўчаси йил сайин обод бўлиб боряпти. Ҳозирги кунда Салор темир йўл станцияси билан Тошкент олий партия мактаби ўртасида катта қурилиш ишлари бошлаб юборилган. «Ташгипрогор» институти инженерлари чизган лойиҳа асосида бу ерда бир қатор кўп қаватли турар-жой бинолари қад кўтармоқда. Кўчанинг бир томонида қурилаётган 92 квартирали катта уйнинг 60 метрлик остки қаватида келажакда озиқ-овқат, совғалар ва гуллар магазинлари жойлашади.

Иккинчи томонда эса 54 квартирали 9 қаватли турар-жой биноси билан бирга 150 ўринли кафе ҳам қуриляпти. Кафенинг олди томони ямяшил кўкаламзор бўлади.







Тошкент маданий-окартув техникуми ўзининг 40 йиллик юбилейини кенг нишонлади. Билим юртининг собиқ талабалари шу кунларда бепоён республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида элга маданий хизмат кўрсатишмоқда. Суратларда: (юқорида) ғижжак-рубоб ўқитувчиси Қ. Орипов талабалардан Ш. Юсупов ва А. Эгамбердиевлар билан машқ пайтида; (ўртада) республикада хизмат кўрсатган артистка Фотима Носирова шогирдларига янги рақс ўргатмоқда; (пастдаги суратда) устоз У. Эминов бўлажак мўйқалам соҳибларига маслаҳат бермоқда.

Ж. Тўраев фотолари.

СЕРМАЗМУН ҲАЁТ ЙЎЛИ

РЕСПУБЛИКАДА энергетика ва автоматика соҳасидаги йирик мутахассислардан бири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, техника фанлари доктори, Беруний номидаги республика давлат мукофотининг лауреати марҳум Музаффар Зоҳидхонович Ҳомидхонов туғилганига 60 йил бўлди.

Музаффар ака меҳнат фаолиятини анча эрта бошлади. Ўрта Осиё давлат университетининг ишчилар факультетини тугатган йили Ўрта Осиё Индустрия (ҳозирги Тошкент Политехника институти) институтига ўқишга киради. Институтнинг энергетика факультетини аъло баҳолар билан тугатган М. Ҳомидхонов «Саноат корхоналарининг электр жиҳозлари» кафедрасининг аспиранти сифатида дастлабки илмий ишини бошлайди.

Бироқ, кўп ўтмай, Улуғ Ватан урушининг бошланиши ҳамма қатори Музаффар Ҳомидхоновни ҳам Ватан ҳимоясига отлантирди. Лекин, фронтни зарур ашёлар билан таъминлаш учун мутахассис кадрлар ҳам зарур эди. Жумладан, талантли инженер сифатида танилган М. Ҳомидхонов Чирчиқ электр химияси комбинатида меҳнат қила бошлади.

Олим илм-фаннинг бирдан-бир олий мақсади — ҳаётимизни янада яхшилаш йўлида ишлаб чиқаришга яқиндан кўмаклашиш лозим, дер ва ўзи бунга қатъий амал қиларди. Ўша даҳшатли уруш йиллари мавжуд поршенли компрессорлар синхрон узатма мосламалари техник-иқтисодий кўрсаткичларининг самарадорлигини янада ошириш ва янги лойиҳа қилинаётганларининг сифатини яхшилаш борасида талай таклифлар киритган, айни чоқда Чирчиқ ГЭСи генераторларининг иссиқлик режимини текшириш соҳасида фаол иштирок этган эл-парвар инсон олдида ўзга мақсад бўлиши мумкинми? Асло!

1946 йили у «Поршенли компрессорларнинг синхрон узаткичлари» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Шундан сўнг ўн йил давомида Ўрта Осиё политехника институтининг «Саноат корхоналарининг электр жиҳозлари» кафедрасида аввал доцент, сўнгра кафедра мудири бўлиб ишлади.

Олимнинг илмий фаолияти республика Фақлар академияси билан чамбарчас боғланди. У Энергетика ва автоматика институтига директор этиб тайинланади.

Партия ва ҳукуматимиз техник кибернетика, автоматика, телемеханика, ҳисоблаш техникаси ва бошқа соҳаларни янада ривожлантириш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш масаласига катта аҳамият бериш зарурлигини уқтирди. М. Ҳомидхонов мана шу чақириққа биринчилар қаторида киришиб, республикамизнинг етакчи илм маскани — Тошкент Политехника институтида инженерлик-физикаси факультетини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди.



У Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Президиум аъзоси ва Бош илмий котиблигига сайланди, айни вақтда физика-техника ва математика фанлари бўлимига раислик қилди. 1968 йилда у Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлди. Музаффар Зоҳидхонович қарийб ўн йил давомида фанлар штабининг кўп қиррали илмий ишига раҳбарлик қилди ва республикамизнинг деярли барча соҳаларидаги илмий тадқиқот ишларини планлаштириш, ташкил қилиш ва координациялашда катта ижодий ҳисса қўшди. Кейинчалик у республикамиздагина эмас, Иттифоқимизда ҳам йирик илм ўчоқларидан ҳисобланган Тошкент Политехника институтига ректор этиб тайинланди.

Музаффар Зоҳидхонович энергетика ва автоматика соҳасида йирик олим ва тол-мас фан ташкилотчисигина эмас, балки жонкуяр ва меҳрибон устоз ҳам эди. Унинг бевосита раҳбарлигида йигирмадан зиёд фан кандидати етишиб чиқди. Ҳамкасблари, шогирдлари унинг номини юксак ҳурмат юзасидан «домла» деб тилга оладилар.

Академик қисқа, лекин сермазмун ҳаёти давомида шогирдлари билан ҳамкорликда 5 та йирик монография, 250 дан зиёд илмий ҳамда илмий-оммабоп мақолалар ёзди. 1970 йил ўзбек тилида нашр этилган «Электр узаткич ва автоматик бошқариш асослари» дарслигининг муаллифи, электр машиналари ва электрон-ҳисоблаш машиналарига оид дастлабки дарсликлар ҳам бевосита унинг раҳбарлигида ёзилди.

Олимнинг номи, унинг илмий ишлари нафақат мамлакатимиздагина эмас, балки хорижий мамлакатларда ҳам маълум эди. У Польша Халқ Республикаси, Швейцария, Англия, Францияда ўтказилган халқаро илмий анжуманларда докладлар билан қатнашган. СССР ва Африка мамлакатлари билан дўстлик алоқалари ассоциацияси Ўзбекистон бўлимининг вице-президенти сифатида катта ижтимоий вазифаларни адо этиб келди.

Музаффар Зоҳидхонович 35 йиллик жўшқин фаолияти давомида ўзининг бутун билими, куч-ғайратини республикамиз фани ва техникасини ривожлантиришга, партия ва ҳукуматимизнинг совет фани олдига қўйган долзарб масалаларини ҳал этишга бағишлади. Унинг бу хизматларини Ватан юксак баҳолаб, қатор орден ва медаллар билан тақдирлаган.


Музаффар Ҳомидхоновнинг ўзига хос самимий табассум ила боқиши, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлишидан қатъий назар, кишилар суҳбатини қунт билан тинглаши, меҳнатсеварлиги каби хислатлари катта иқтидор соҳиби ва олимлиги билан чамбарчас омухталаниб кетган эдики, шу фазилатлари туфайли у барчанинг муҳаббатини қозонди.

Умрнинг ўлчови йўқ дейдилар. Дарвоқе, яхши ном қолдирган инсонни унутиб бўлармиди!

О. ҲОШИМОВ,
техника фанлари кандидати.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



ЯНГИ ПРОГРАММА

«ГРУЗИЯ ЦИРКИ» КОЛЛЕКТИВИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ГРУЗИЯ ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР: МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ, АЛЕКСАНДР МЧЕДЛИШВИЛИ

АДЖАРИЯ АССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ЛЮДМИЛА ЛАЛАШВИЛИ

Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист ГАМЛЕТ НАТРАШВИЛИ ва комик-пародист БЕСИК КАЛАМАШВИЛИЛАР донмо манежда.

Коллективнинг бадиий раҳбари — Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ.

Шунингдек, Ўзбекистон ССР халқ артистки Ҳаким ЗАРИПОВ раҳбарлигидаги, «Ўзбекистон йигитлари» коллективи иштирок этади.

Томошалар ҳар куни 19.30 да, шанба кунлари — 15.00, 19.30 да, якшанба кунлари — 11.00, 15.00 ва 19.30 да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАНДИ.

Касса 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91; 44-39-84.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — **Мультфильмлар.** 11.00 — **«Мавсумнинг ёпилиши»** (бадиий фильм). 12.30 — **Миллионлар ленинча университети.** 15.30 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — Б. Брехт ижоди. 16.45 — Сўз — олимларга. 17.00 — **«Истеъдод»** (бадиий фильм). 18.30 — Москва ва москваликлар. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — «Ҳамма нарсани билишни истайман» (киножурнал). 19.25 — Фильм-концерт. 19.45 — «Бизнес оламида». 20.15 — Концерт. 21.00 — Бизнинг биография. 1931 йил. 22.00 — **«ВАҚТ».** 22.30 — **Хоккей.** «Спартак». — «Трактор». 00.45 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Биология. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — Биология. 13.00 — **«Минг инсоният дан бири»** (бадиий фильм). 18.30 — **Мультфильм.** 18.50 — Иқтисодий билимлар — оммага. 19.20 — Концерт. 20.00 — **«Кинорежиссёр Равиль Ботиров».** 21.00 — **«Ахборот».** (Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойига бағишланган махсус сон). 22.00 — **«ВАҚТ».** (Москва). 22.30 — **Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойи қатнашчилари учун концерт** (Санъат саройидан).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.15 — Инглиз тили. 19.45 — Концерт. 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — Кўплаб халқ истеъмол товарлари етказиб берайлик. 21.20 — Чизма геометрия.

Олтин чашма — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Чигал излар — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Бўлиши мумкин эмас — БИЛИМЛАР УЙИ (13, 15, 17, 19.00).

Номаълум аёл — «КУКЧА» (11, 14, 17, 20.00)

Малиновкада тўй — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12|II да **Анда.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11|II да **Келинлар қўзғолони,** 12|II да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11|II да **Гулбаҳор қани?,** 13|II да **Олифта.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12|II да **Скапеннинг ҳийласи** (17.30).

Цирк

Эски милтиқ — САНЪАТ САРОЙИ (катта зал, кундуз ва кечқурун), **Номаълум аёл** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Эски милтиқ — «ЧАЙКА», «МОСКВА» (жуфт соатларда), «НУКУС» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бир ҳушчақчақ дўстим бор — «ДРУЖБА» (15, 16.40, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Юлдуз юқорига тушади — «ЎЗБЕКИСТОН» (11.40, 14, 16.30, 18.40, 21.00), «ДРУЖБА» (11, 12, 14, 17.20, 20.00).

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослаштирилган трестининг Ш.«ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИНИНГ

6 ОЙЛИК КУРСЛАРИГА электромонтажчилар тайёрлайдиган группага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 7-10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 18 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Уларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, меҳнат дафтарчаси, 3х4 см. ҳажмидаги 2 дона фотосурат, медицина справкаси.

Курсларни тугатганлар Тошкент монтаж бошқармасининг монтаж участкаларида, метро қурилишида саноат объектларида, маданий-маиший ва турар жой бинолари қурилишида ишлаш учун ишга юборилади-лар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев райони, Черкасская кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими. Телефонлар: 66-25-92, 66-17-53, 66-29-71.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ • ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

243-ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ЗАВОДИГА

Саноат ускуналарининг слесарь-ремонтчилари, учиш аппаратлари ва механика-йигув ишларининг йигувчилари; учиш аппаратларининг йигувчи-клепальчилари, электромонтажчилар, токарлар, фрезерчилар, электр-газ пайвандчилари, қурилиш касбидаги ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси.

ҚОТИЛЛИКДА АЙБЛАНАДИЛАР

ИЗЛАР БОСИЛМАДИ

Оператив группа бошлиғининг тахмини нотўғри бўлиб чиқди. Тўғри, у шартли равишда қамоқдан озод этилган жиноятчилар билан учрашди, уларнинг ҳаёти, турар-турмуши билан, кейинги пайтларда қаерларда бўлишгани-ю, кимлар билан суҳбатлашганлари билан қизиқди. Аммо боягидек калавани учи ҳамон топилмасди. Шу йўсинда икки-уч кунлик фурсат бой берилди. Гарчи «Самарқанд операцияси» ўнгидан келмаган бўлсада, группа аъзолари тушкунликка тушишмади, вақт билан ҳисоблашмай, қидирув ишларини давом эттиришди.

Бу орада Мария Легай касалхонада бироз ўзига келгач, (гарчи ҳали кўзлари кўрмаса ҳам) қотилларнинг айрим белгиларини айтиб берди:

— Эримнинг ёнига етмасданоқ, икки ўспирин йўлимни тўсди. Бирининг мўйлови бор, тилла тишли, қорачадан келган. Иккинчиси эса кора қош, оқ-сариқдан келган, сочлари елкасига тушган, эгнидаги кийимининг размери 48 бўлса керак...

Жиноят қидирув бўлими олдида энди яна бир муаммони ҳал этиш вазифаси турарди. Район катта, чегараси нақ шаҳарга тақалади. Боягидек белгили қотилларни топиш, бу — сомонхонадан игна излаш билан баровар ишдир. Лекин на чора, лозим бўлгач, «игна»ни изланади-да. Фақат бир нарсадан эҳтиёт бўлиш керак. У ҳам бўлса бирон бир камчиликка йўл қўймаслик, пок, софдил, бегуноҳ одамни шубҳа остига олиб, умрбод маломатга қўйилмаса бўлгани.

Ҳеч қаерда ишламай, кўчакуйда санғиб юрган суюқоёқ ёшлардан бир гуруҳи синчковлик билан текшириб кўрилди, афсус натижа чиқмади, калаванинг учи топилмади. Бир қарашда оператив группа боши берк кўчага кириб қолгандек эди. Ҳа, бу бир қарашда шундай эди.

Кўп йиллик тажриба, лаёқат яна қўл келди, Турсунбой Маҳамаджонов қўшни район милиция бўлимида ишловчи ҳамкасблари билан алоқа ўрнатди, уларни ҳам мазкур «ишга» жалб этган бўлди.

Шу кезларда — январь ойининг ўрталарида Октябрь район ички ишлар бўлими ходимлари бир гуруҳ ўғриларни қўлга туширишган эди. Улар орасида ташқи кўриниши, ҳатти-ҳаракати билан ажралиб турадиган Оқил исмли йигит оператив группа ходимлари диққатини ўзига тортди. У Мария Легай тасвирлаган қотилга кўп жиҳатларидан ўхшаб кетарди. Аммо бир-икки кун ичида ҳам одам ўлдириб, ҳам уйни ўғирлашга улгуришига улар айтарлик ишонқирамадилар.

— Масаланинг буёғини Турсунбой акага қўйиб берсак,— ўзаро маслаҳатлашишди Октябрь район жиноят қидирув бўлими ходимлари Ильёс Исмоилов ҳамда Баҳодир Бўлтабоевлар.

Тошкент шаҳар Октябрь райондаги 20-ошхона ходими Оқил Аҳрорхўжаев олдинига тергов ишларини чигаллаштиришга, нотўғри кўрсатма беришга уриниб кўрди.

— Уйга ўғирликка тушганимиз рост. Лекин ғишт заводи яқинидаги ишга мутлақо алоқам йўқ,— деди у пинагини бузмай. Ҳатто ўзини гўлликка солиб ҳам кўрди:

— Чол ўлибдими!? Қанака қотиллар ҳам бор-а, одам ўлдиришдан ҳам тойишмайди. Йўқ, йўқ, бекорга менган шубҳаланаяпсиз.

— Айланма йўлнинг нариги ёгидаги ишдан ҳавотирдаман, деганингга тушунмаяпман,—қўйнига қўл солди милиция капитани. Шеригинг, ҳалиги мўйловли, оғзида тилла тиши бор, оти қурғур нима эди, ўша бор гапни аллақачон айтган. Истасанг, ҳозир юзлаштирамиз.

Оқилнинг рангги қув ўчди, бежо кўзлари ерга қадалди, бошини чангаллаганча стол устига мукка тушди.

— Ярамас Ўткир, ҳали сотадиган сеннисан. Қилғиликни қилиб яна мени ҳам тортибсан-да!— Оқил мушти билан столга урди...

Эндигина 20—23 ёшлардаги, тоғни урса талқон қиладиган, меҳнатсиз енгил-елпи ҳаёт кечиришга муккасидан кетган, қўли қон қотиллар билан бир бошдан таништирамиз. Олдиндан айтиб қўяқолайлик, уларни шу мудҳиш жиноятга қўл уришига, тубанлик ботқоғига ботишига етишмовчилик, рўзғор танқислиги сабабчи бўлмаган, Савдогарчилик, қаллоблик, бировларнинг тийинни оркасида шохона иморатлар солган, етти маҳаллага ном чикариш учун ҳовли қолиб, кўчаларга жой қилиб, дабдабали тўйлар ўтказган оилаларнинг фарзандларидир.

Хонни бўғиб, вахшийларча ур калтак, сур калтак қилган, ҳеч бир ишнинг ҳанузгача бошини тутмаган Ўткир Кўчқоровнинг отаси — Тўхта ака пойтахтимиздаги чойхоналардан бирида мутасадди. Ҳар қалай чойхўр ва ошхўрлардан тушаётган даромад чакки бўлмаса керак. Ўғлимга эрмак бўлади дегандек, «Жигули» ҳам олиб берган. Машина эса юқоридагидек «холис» ишларга хизмат қилган.

Қозонга яқинлашсанг қораси юқади, деб бечиз айтилмайди. Буни қотилликда айбланаётган Миршоди Комилов умрбод ёдидан чиқармайдиган бўлди. У синфдоши, ўта безори Ўткир Кўчқоров ҳамда Журъат Тўландиевларга яқинлашмаганда эди, ўзи ҳам, ота-оналари ҳам, қавму-қариндошлар олдида, «бешқайғароч» массивидаги «Октябрь самараси» маҳалла аҳолиси олдида шармандаю шармисор бўлмасди.

Бир вақтлар Калинин район территориясида ўтлаб юрган молларни ўғирлаб, қўлга тушган, бунинг оқибатида шартли қамоқ жазосини ўтаётган Журъат Тўландиевдир. Мабодо отаси—Али ака билан фарзанди хусусида гаплашиб қолсангиз, оғзини тўлдириб уни мақтайди, йўқ фазилатларни тиркаб, қўй оғзидан чўп олмаган, мусичадек беозор қилиб кўрсатади, «бировларнинг қасрига қолди», деб жиноятни хаспўшлайди. Ана шу эркатой мурданинг бармоғидан узугини ечиб олишдан ҳам ҳазар қилмаган.

Қотиллар бошлиғи Оқил Аҳрорхўжаев ҳам бадавлат, ўзига тўқ оила фарзанди. Отаси Аъло ака «Ташобувторгга қарашли магазин директори. Рўзғор бут, кийим-кечак шай. Бир сўз билан айтганда, бировдан олдин яшаса-яшайдики, кейин эмас...

Тошкент район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Турсунбой Маҳамаджонов, жиноят қидирув бўлими ходимлари Владимир Когай, Хожиакбар Чиналиев, Сотиболди Мирзаев ва бошқаларнинг уддабуронлик, тезкорлик билан кўрган чора ва тадбирлари туфайли икки ҳафта деганда оғир жиноят очилди.

Қотилларнинг барчаси қўлга олинди. Тергов бошланди. Энди улар ўз қилмишлари учун суд олдида жавоб берадилар.

С. АЛИМОВ.

БИР ЖИНОЯТ ИЗИДАН

[Бошқа газетамизнинг 8 февраль сонида].

Спорт

ЭРКИН КУРАШ

ТОШКЕНТЛИК ПОЛВОНЛАР УСТУНЛИГИДА

Тўрт кун давомида Қўқон шаҳрида эркин кураш бўйича республика шахсий — команда биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Учрашувларда тошкентлик полвонлар тўла устунлик қилишди. Улар ўнта вазн бўйича бўлган бахсларнинг етттасида ғолиб келишди. Тошкентлик динамочи Р. Ли, спартакчи Н. Ниёзов, «Буревестник» студентлар жамияти аъзоси Б. Нуржонов, «Старт» спорт клуби вакили О. Одилбоев, «Меҳнат резервлари» командаси аъзоси М. Осипянц ҳамда «Буревестник» вакиллари Ф. Керимов, Р. Шаҳбоевлар ўз вазнларида биринчи ўринни эгаллаб, республика чемпиони бўлишди. Чирчиқлик полвон, «Меҳнат» командаси спорт шарафини ҳимоя қилган Р. Асанов ҳам чемпионлар қаторидан ўрин олди. Қолган икки вазнда ургенчлик Р. Матжонов ва фарғоналик С. Жирновлар ғолиб келишди.

Мусобақада кўнгилли спорт жамиятлари ва идораларнинг еттита терма командаси сафида 200 га яқин полвон куч синашди. Умумкоманда ҳисобида «Меҳнат резервлари» вакиллари биринчи ўринни эгаллашди. «Динамо» полвонлари иккинчи, «Буревестник» командаси учинчи бўлди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Вильнюс шаҳрида енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида СССР шахсий команда биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Республикамиз спортчилари иккинчи группада мусобақалашдилар. Ўнта команда беллашган бу группада Литва спортчилари 82 очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллашди. Республикамиз вакиллари голибларга бор — йўғи бир очко бой бериб, иккинчи ўринни олишди. Учинчи мукофотли ўринни эгаллаган Молдавия спортчилари эса 60 очко тўплашди, холос. Республикамиз командаси составида 13 спортчи иштирок этди. Уларнинг ўттаси кучлилар сафидан ўрин олиб, олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди.

400 метрга югуришда самарқандлик Ирина Четина 56,7 секунд натижа билан биринчи ўринни эгаллади ва олтин медалга сазовор бўлди. Тошкентлик Александр Харлов 60 метрга тўсиқлар ошиб югуришда 7,9 секунд натижа билан маррага иккинчи бўлиб келди ва кумуш медаль билан мукофотланди. Унинг командадоши дўсти Пётр Воробьёв эса 60 метр масофани 6,6 секундда югуриб ўтиб, бронза медалига эга бўлди. Баландликка сакрашда тошкентлик Александр Говорков 2 метр 3 сантиметр кўрсаткич билан тўртинчи бўлди.

ШАШКА

ЧЕМПИОН ПЕШҚАДАМ

Марказий шахмат-шашка клубида халқаро шашка бўйича давом этаётган республика чемпионатида Тошкент чемпиони Виктор Александров етти турдан сўнг 5,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда. С. Гуляев — 5, С. Давидов — 4,5 очкога эга.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузурида ташкил этилган ишчи-мухбирлар университети тинглочиларининг навбатдаги машғулоти бугун 11 февраль куни ўтказилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 14178. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1562.